

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 29 (990) • 2014-yil, 18-iyul, juma

Мақтабгача таълим — узлуксиз таълим тизимининг пойдевори

➤ Парламент эшитуви

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан халқ таълими вазирининг мақтабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Парламент эшитуви вазириликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг мақтабгача таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишни мониторинг қилиш мақсадида ўтказилди.

2 ➤

Сайловларда

қонунийлик, ошкоралик ва адолатлиликни таъминлаш — дастурий мақсадимиз

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

2 ➤

«Ҳеч иккиланмасан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир фикримни яна такрорлашни жоиз деб биламан: дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, десам, айтиш ҳақиқатини айтган бўламан».

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригидан



Нонни эъзозлаш ҳар биримизнинг қон-қонимизга жуда ёшигимиздан сингдирилган. Нон — дастурхоннинг файзи, тўқинчилик рамзи, йўлга чиққан сайёҳга ҳамроҳ, олис сафарга отланган кишининг соғ-омон қайтиб келишига умид. Бу умид уйлари-миз тўрида муқаддас тумордек осилиб туради. Нонни қадрлашда ўзбекка етадиган бўлмаса керак. Нон ризқу рўзимиз, дастурхонимиз кўрки. Ғалла мустақиллигига, унинг тўқинлигига истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ юксак эътибор қаратилгани бежиз эмас, албатта.

Меҳнатнинг нони ширин...

Бир пайтлар ғалланинг басосий қисми валюта ҳисобига бошқа мамлакатлардан келтирилган эди. Собиқ иттифок таназзулга юз тутган, иқтисодийёт издан чиққан кезларда ғалла сотиб олиш учун валюта топишнинг ўзи бўлмасди. «Бировнинг бергани — кўргулик, меҳнатдан келгани — тўйгулик», деганларидек, ҳаётнинг ўзи ғалла мустақиллигига эришмай туриб, истиқлол-

ни мустаҳкамлаш, уни сақлаб қолиш мумкин эмаслигини кўрсатди. Мамлакат аҳолисини дон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички бозорни нон ва нон маҳсулотлари билан тўлдириш, ифодали қилиб айтганда, одамларнинг кўзи ва кўнглини тўқ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Аммо бу мақсаднинг рўёбга чиқиши осон кечмади.

Мамлакат раҳбариятининг қатъияти, ташаббуси, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига алоҳида эътибори, соҳада амалга оширилган тўб ислохот ва ўзгаришлар, унинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамлангани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб, унинг ривожини учун барча шароитлар яратиб берилаётгани, деҳқонларнинг ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани боис, бу табаррук мақсадга эришдик.

Бу хирмон қанча баланд бўлса, кўнгли тўқ, дастурхон тўқин, рўзгор бут ва баракали бўлади. Хирмон дала меҳнаткашларининг, тажрибали, миришкор деҳқонларнинг, сувчи ва механизаторларнинг, бошқа касб эгаларининг машаққатли, аммо фахрли меҳнати ва изланишлари эъзозга юксалади. Бошқалари кўш нурида олтиндай товланиб ётган буғдойзор далаларга қараб, ризқ-насибамиз, нонимиз бутунлигига шукроналар айтамыз.

Далаларимизда етилаётган ҳамма ҳосил ҳам бобо деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнатлари ҳисобига тўпланади. Аммо очик осмон остида буғдой парваришланган ғаллакорнинг эл-юрт олдидаги масъулияти жуда қатта. Бир қарашда, комбайнларда ўрилиб, хирмонга пешма-пеш уюлаётган ғалланинг, деҳқон қафтига олиб завқланаётган буғдой донасининг ёки тегирмондан тортилиб чиқаётган уннинг мўъжизали жойи йўқдай.

3 ➤

Аёллар лойиҳаларига молиявий кўмак

Партия ва Марказий банк ҳамкорлиги

➤ Давра суҳбати

Мамлакатимизда хотин-қизларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари тўла ҳимоя қилиняпти. Ўз сафларидаги партия аъзоларининг деярли ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга, касаначиликка, оилавий тадбиркорликка жалб этишга устувор вазифа сифатида қараяпти. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида ташкил этилган «Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамиятдаги фаоллигини ошириш масалалари» мавзудаги давра суҳбати бу боралаги узвий ишларнинг давомидир.

3 ➤

➤ Мустақилликнинг 23 йиллиги олдида



Мустақиллик бу — энг аввало ҳуқуқ

Шу кунларда мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида эришиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма уч йиллигини баланд руҳ ва шоду хурамлик билан нишонлаш арафасидамыз. Мустақиллик бу — энг аввало ҳуқуқ демакдир. Мустақил-

ликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, буюқ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлимизни чуқур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнати-мизни тиклаш ҳамдир.

8 ➤

Бугунги сонда:

Набижон Юлдошев:

«Тиббиётнинг бугунги тараққиёти

эл соғлигини юрт бойлигига айлантирди»

7

Жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим

3

Фуқаролар мурожаати

эътибордан четда қолмайди

6



«МИКРОКРЕДИТБАНК» очик акциядорлик тижорат банки

«2014 йил – Соғлом бола йили» муносабати билан юртдошларимизга юқори фоизли



«Кудратли юрт фарзанди» номли янги омонат турини тақлиф этади.

Мурожаат учун тел: 273-05-70, 273-05-80

www.mikrocreditbank.uz

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Reklama



Бироқ шу бир кафт галла ёки бир бурда нонда инсон ҳаётининг маъно-маъмуни, болаларимизнинг шодлиги, сизу бизнинг хотиржамлигимиз мужасам. Нон деб аталмиш бу ризқ юрт ободлиги, меҳр-оқибат, саховату мурувват каби юксак инсоний фазилатлар билан бевосита боғлиқ.

Бу йил галлакорлар мисли кўрилмаган галабага эришдилар. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак галла хирмони бунёд этилди. Мухтарам Юртбошимизнинг мамлакат галлакорларига йўлаган табригини ўқир экансиз, бу хирмон миллиард-миллиард олтинранг бошоқларда етилган сара бугдой доналаридан ҳосил бўлганини ҳис этиб, миришкор, ишнинг кўзини билладиган, сўзининг устидан чиқадиган галлакорларга минг-минг тасаннолар айтгинг келади. Ҳосилдорликни ҳар гектар майдон ҳисобига 90-100 центнердан оширган Каттакўрғон туманидаги "Ҳосил", Фурқат туманидаги "Ортиқали Ганиев", Учкўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Олтиариқ туманидаги "Хайрулла Баҳром Бойматов", Иштихон туманидаги "Асалчи Элдор", Қува туманидаги "Олтин диёр", Ғиждувон туманидаги "Файз" каби фермер хўжалиқларининг тажрибаси ҳар жиҳатдан ўрганишга, ҳавас қилишга арзирли.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Юртбошимиз табригида келтирилганидек, замон талаби тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда фақатгина эришган ютуқлар билан чекланиб, кифояланиб қолишимиз мумкин эмас. Юртимизда галлачилик билан бирга бутун қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш, бу борадаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш бўйича ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Аграр соҳа самарадорлигини янада ошириш, фермер хўжалиқларини замонавий асосда бошқаришга қодир бўлган фермер-менежерларни шакллантириш долзарб масалалар сирасига кирилади. Бу фақат давлатнинг, соҳа мутасаддиларининг иши десак янглишамиз. Биз депутатлар ва партияимиз фаоллари ҳам дастурий ҳоҷларимизда кўрсатилганидек, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантиришга қаратилган аниқ тақлиф ва тавсияларни илгари суришлари керак. Бу билан биз Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Алишер АҚРОМОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Тадбиркорларга яна бир қулайлик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида биноан Давлат Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг www.tekshirishlar.uz сайти яратилди.

Маъжур сайтда республикамиздаги юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган режали ҳамда юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган режадан ташқари текширишлар тўғрисидаги, Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари таркиби, манзили, телефонлари (шу жумладан, ишонч телефонлари), ҳудудий комиссиялар ишчи органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали, текширишлар тартибга солишга доир амалдаги қонун ҳужжатлари, назорат қилувчи органлар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилган.



Сирдарё муаллифи Улуғбек Усмонов

Аёллар лойиҳаларига молиявий кўмак

Давоми. Бошиқ 1-бетда

— Мамлакатимизда аёлларнинг фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларга турли имтиёзлар бериш, турмуш шароитларини яхшилаштиришга доир қатор қонунлар, қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. — деди давра сўхбатини очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров. — Айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш бора-борида ишлар эътиборга молик. Хусусан, жойларда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлаш масаласида банкларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мамлакатимизда аёлларнинг фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларга турли имтиёзлар бериш, турмуш шароитларини яхшилаштиришга доир қатор қонунлар, қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. — деди давра сўхбатини очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров. — Айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш бора-борида ишлар эътиборга молик. Хусусан, жойларда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлаш масаласида банкларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Маънавий, интеллектуал, касб бий салоҳиятидан фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, фаол аёллар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жаб-ҳаларига жалб этиш, чуқур би-

... аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кредитлар ажратилаётгани, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган илҳам технология усуналар сотиб олиш, касаначилик, хунармандчилик ҳамда оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, шу билан қўйишга қаратилган лойиҳалар микрокредитлар билан таъминланаётгани, касб-хўна қоллежлари битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш борасида яратилган имтиёз ва имкониятлар, кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида, фуқароларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга истеъмолад кредитлари бериш билан кўмаклашилаётгани таъкидланди.

Тадбирда мамлакатимизнинг етакчи тижорат банклари томонидан партия фаоллари, электротари орасидан аёллар ва ёш оилаларнинг ўз бизнесини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни кенгайтиришга қаратилган энг яхши лойиҳа муаллифлари —

маънавий, интеллектуал, касб бий салоҳиятидан фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, фаол аёллар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жаб-ҳаларига жалб этиш, чуқур би-

катимизда кўплаб тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ва шу орқали янги иш ўринлари яратилишида, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда, оилавий бизнесни ривожлантиришда, бошқа аҳоли қатламларини тадбиркорликка жалб этиш, пировардида аҳоли фаровонлиги юксалишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Собир Турсунов таъкидлаганидек, аёлларнинг

Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ, «Adolat» муҳбири

Жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим

Депутатлик гуруҳларида

Демократлаштириш жараёнининг бугунги босқичида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ўрни катта. Шу боис жойларда қонунлар ва бошқа давлат қарорларининг ижроси устидан депутатлик назоратини изчил амалга ошириш, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини амалий ташаббусларда акс эттириш, электротар манфаатини қатъий ҳимоя қилиш депутатдан катта масъулият ва шунга яраша ҳаракатни талаб этади.

Бунинг учун ҳар бир депутат ўз ваколатидан умумий фойдаланиши, кўпроқ сайловчилар ҳузурда бўлиши керак. Айниқса, ҳаётимиз ва фаолиятимизга демократик тамойиллар тобора чуқурроқ жорий этилаётган ҳозирги шароитда зиммасидаги масъулият янада ошмоқда. Қонунчилигимизда ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан депутатлик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари

ишини ҳар қачонгидан ҳам фоллаштириш имконини берди. Шундан келиб чиқиб, партияимиз гуруҳлари вакиллик ҳокимиятининг худудий ривожланишига, ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида ҳал этилишига таъсирини янада кучайтириш лозим. Электротаримиз манфаати билан боғлиқ ҳар бир масала юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш масалаларини сессиялар кун тартибига киритиш ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Айтмоқчиманки, фаолиятга жиддий ёндашганимиз натижасида ҳисобот даврида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида 2 та масала киритилиб, шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Депутатлар электротаримиз манфаатларига дахлдор қатор масалалар бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб боришди. Хусусан, партияимиз гуруҳининг иш режасига асосан «Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш» Дастури, Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида», «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар таъинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги қарорларнинг туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ижроси ўрганиб чиқилди. Шунингдек, вилоятдаги касб-хўна қоллежлари ўқувчиларининг давома-тини яхшилаш, амалиёт ўташи

самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича ҳам назорат-таҳлил ишларини олиб бордик.

Шунингдек, партия гуруҳи ва БПТ ҳамкорлигида жойларда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, баалоғат ёшига етмасдан турмуш қуришининг олдини олиш, ноқонуний никоҳга йўл қўймаслик каби долзарб масалаларга қаратилган семинарлар, давра сўхбатлари ўтказилди. Айниқса, гуруҳимизнинг жойлардаги ФХДЕ, ҳуқуқ-тартибот идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларидан иборат тарғибот гуруҳлари билан ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани, биргаликда Оила кодекси, ҳуқуқий саводхонлик, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи тарғиб этилаётгани ўз самарасини берапти.

Жорий йилнинг аяни давригача Сирдарё вилояти маҳаллий Кенгашларидаги "Адолат" партияси депутатлари амалдаги қонунлар, ҳуқуқат қарорла-

рининг ушбу ҳудудлардаги ижроси ҳамда электротар вакиллари муносабатлари бўйича турли ташкилотлар мутасаддиларига 20 дан зиёд сўров йўлладилар. Депутатларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар мажлисларида 7 мартаба мансабдор шахслар ҳисоботи эшитилди. Хусусан, яқинда Боввут тумани ҳокими ўринбосарининг намунавий лойиҳа асосидаги ўй-жойлар қурилиши бўйича ахбороти тингланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундай аниқ мисоллар депутатлик гуруҳлари зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиб, жамоатчилик назоратини изчил олиб бораётганидан далолат беради. Шу муҳим жараёнда БПТларнинг ҳам катта ҳиссаси борлиги эътиборга молик. Яъни, бошланғич ташкилотлар йиғилишларида кўтарилган масалалар «қўйидан — юқорига» партиявий механизми воситасида депутатлар фаолиятида ўз аҳлини топмоқда.



Ўрозали НОРБЎТАЕВ, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутати

Умуман олганда, жойлардаги партия қўйи бўғинлари ва депутатлар ҳамкорлиги сезиларли равишда кучайганини айтиш жоиз. Мисол учун, кейинги ойларида БПТ фаоллари жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда 50 га яқин тадбир ўтказдилар. Уларнинг қарийб 70 фоизига барча бўғинлардан депутатлар жалб қилинган, бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган кўплаб мулоқотлар бевосита депутатлар ташаббуси билан ташкил этилгани диққатга сазовордир.

оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга кредитлар ажратиш механизми соддалаштирилаётганлиги, жойларда кредитларнинг ўз вақтида ажратилаётгани, банк ходимларининг миждоз учун ишлаётгани, шахару қишлоқларда ўтказилаётган учрашуларда бизнес лойиҳаларга молиявий кўмак берилаётганлиги албатта, халқимизнинг банк тизимига бўлган ишончи ортишига олиб келмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухра Ботинова қайд этганидек, ўтган 2013 йилда Марказий банк ва Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳамкорлигида Самарқанд ва Андижон вилоятларида "Обод турмуш йили"да хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маиший шароитларини яхшилашда банк кредитларининг роли" мавзусида семинарлар ташкил этилиб, тадбир давомида фаол хотин-қизлар ва касб-хўна қоллежларини битираётган ёшларга молия муассасаларининг 780 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлари учун сертификатлар топширилди.

— Аёллар тадбиркорлигига кўмак бераётган, уларни мунтазам равишда қўллаб-қувватлаётган "Адолат" СДП ва Марказий банк ҳамкорлиги бу йил янги босқичга кўтарилди, — дейди партия Сийёсий Кенгашининг Аёллар ва ёшлар фаолигини ошириш бўлими муdiri Мухаррам Дадаходжаева. — Яъни, жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳамкорлигида "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда ўтказиладиган амалий учрашулар режаси имзоланди. Янги битим ва келишувга мувофиқ ҳамкорликдаги тадбирлар бу йил Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон ва Ташкент вилоятларини ҳам қамраб олади. Узок истиқболни кўзлаган амалий сай-ҳарақатлар, албатта, аёллар ва ёшларнинг демократик ўзгаришлар жараёнидаги иштирокини кучайтиради. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширади. Ҳуқуқий маданиятини юксалтиради. Жойларда аёллар иштирокида сервис хизмати кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни таъминлайди.

Давра сўхбатига жамият тараққиётида, фуқаролик жамияти институтлари ва сиёсий партиялар фаолиятида аёлларнинг иштирокини кўпайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ролини ошириш, партиянинг "Аёллар қаноти" мавқеини янада кучайтириш ва шахару қишлоқларда аёллар тадбиркорлигини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудий партия ташкилотларида

Ишонч қозониш бирламчи масала

БПТ — партия таянчи

Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан биридир. Мамлакатимизда кечаётган муҳим ўзгаришлар, юз бераётган муҳим воқеалар ўқув-сидда фуқароларни хабардор қилиш, Ўзбекистон "Адолат" СДП ғояларини тарғиб этиш орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтириш партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада партиямиз асосий таянчи ва аҳолига энг яқин бўлган ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари ўрни бекиёсдир.

Куйи бўлган фаолиятни самарали йўлга қўйиш, партия ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, электроратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, уларни юқори партия ташкилотлари, партия гуруҳлари даражасига олиб чиқиш каби ваколат ва имкониятлардан унумли фойдаланиш сиёсий партияларнинг ўрни ва роли юқсалишига хизмат қилади. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда янги, таъсирчан воситаларни кенг татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич партия ташкилотлари жойларда электроратни қизиқтирадиган масалалар, тақлиф-мулоҳазаларни ўрганиб, партия депутатлик гуруҳлари ёхуд партия ҳудудий ташкилотларига олиб чиқиб, тегишли чоралар қўрилишига ҳисса қўлиши имкониятига эга. Куйи бўлган қанчалик фаол ва ташаббускор бўлса, партия ғоялари тарғиботи шунчалик самарали кечади. Шунинг учун бошланғич партия ташкилотларининг амалий саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш, электрорат билан ишлашда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш, энг асосийси, аҳоли ўртасида мунтазам тарғибот тадбирлари ўтказиш партия дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлаш ҳамда хайрихоҳлар сафининг кенгайтириш хизмат қилади.

Шу боис Ўзбекистон "Адолат" СДП куйи бўлган фао-

лиятини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бу борадаги ўқув-семинарлар куйи бўлган етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимлари юқсалишига хизмат қилмоқда, уларни янги ғоялар ва ташаббусларга ундамоқда. Таъкидлаш жоизки, бугун партия куйи бўлган ишлар томонидан ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилляпти. Куйи бўлган фаоллари ташаббуси билан электрорат аъзолари бўлган илм-фан вакиллари, ўқитувчилар, шифокорлар, ёлла-ниб ишлаётган меҳнатқашлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Жумладан, жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мавжуд бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўтказилган умумий йиғилишларда кўтарилган масалалар тахлилий ўрганиб чиқилди. Бошланғич партия ташкилотлари томонидан умумий йиғилишларда кўтарилган масалалар тахлилий ўрганиб чиқилди. Бошланғич партия ташкилотлари томонидан умумий йиғилишларда кўтарилган масалалар тахлилий ўрганиб чиқилди.

Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ўсиш кузатишмоқда. Бу борада, айниқса, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур ҳудудларда тузилган бошланғич партия ташкилотлар партия дастурий мақсад-вазифаларида кўтарилган электро-



рат манфаатларига тегишли масалаларни депутатлар маҳаллий вакиллик органларида депутатлик ваколатидан келиб чиқиб амалга оширишлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мавжуд барча бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўтказилган умумий йиғилишларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-жамоат ва маданий-гуманитар соҳаларда кўтарилган масалалар сони 700 дан зиёдани ташкил этди. Улар орасидан айнан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатларнинг ўз ваколатидан самарали фойдаланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий соҳага оид 90 та, ижтимоий-сиёсий соҳага доир 22 та, маданий-гуманитар соҳа юзасидан 14 та масала ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ўсиш кузатишмоқда. Бу борада, айниқса, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятларидаги бошланғич партия ташкилотлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур ҳудудларда тузилган бошланғич партия ташкилотлар партия дастурий мақсад-вазифаларида кўтарилган электро-

рат манфаатларига тегишли масалаларни депутатлар маҳаллий вакиллик органларида депутатлик ваколатидан келиб чиқиб амалга оширишлари лозим.

Бирок эришилган натижалар билан бирга айрим камчиликлар, сусткашликка йўл қўётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Уларда ташаббускорлик ва қатъият етишмапти. Хусусан, Сирдарё ва Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги бошланғич партия ташкилотлари эътибор қаратиши керак бўлган, электрорат манфаатлари билан боғлиқ масалалар мавжуд. Албатта, мавжуд камчиликларини бардараф этиш учун тегишли маслаҳатлар берилди, фаолиятларини кучайтиришлари, ташаббускорликларини оширишлари учун улар турли партиявий қўлланмалар, керакли адабиётлар билан таъминланишига эришилди.

Фикримизча, БПТларнинг электрорат манфаатларига мос келувчи устувор масалалар ечимидagi иштирокини кучайтириш, шунингдек, сайлов кампаниясига тайёргарлик ва уни ўтказиш босқичида партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини бош-

қаришнинг замонавий услубларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, куйи бўлганнинг электрорат манфаатларини, уларни муайян ижтимоий масалалар ечимидagi эҳтиёжларини аниқлашдаги фаолиятини ташкил этиш, қонунлар ва қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратида иштирок этиши ва мазкур фаолиятни такомиллаштириши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Айни пайтда партия туман ва шаҳар кенгашлари томонидан сайлов жараёнларида БПТ аъзолари сафидан кузатувчилик ҳамда ваколатли вакил вазифасини топшириш мумкин бўлган салоҳиятли шахсларни саралаб олиш ва тайёрлашга йўналтирилган фаолиятни мувофиқлаштириляётгани ва бу борада сиёсий ўқувларга катта эътибор қаратиляётгани ишмизини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ва иштирок этиш даврида бошланғич партия ташкилотлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш келгуси муваффақиятлар учун йўл очади.

Музаффар ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Марказий аппарати сектор мудири

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Мамлакатимиз парламентининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловлар тобора яқинлашмоқда. Шунга кўра сиёсий партияларда ҳам тайёргарлик ишлари авж олдирилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини маси ва вилоят сайлов комиссияси билан биргаликда ўтказган семинар-тренинг ҳам "Сайловларда сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва кузатувчиси иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" масаласига бағишланди. Тадбирда партия вилоят, туман, шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, фаоллар, депутатлар, маҳаллий сайлов комиссияларининг раислари иштирок этдилар.

Семинар-тренинг қатнашчилари кузатувчи ва ваколатли вакиллари тайёрлаш борасидаги ишлар ҳамда мамлакатимиздаги кўппартиявийлик тизими ва партиялараро баҳс-мунозараларни ривожлантириш масалаларига бағишланган маърузаларни тингладилар. Шундан сўнг иштирокчилар "кузатувчилар", "ваколатли вакиллари", "ҳудудий партия ташкилотлари" ва "сайлов комиссияси аъзолари" каби шартли кичик гуруҳларга тақсимландилар ва ўзларига сайлов кампаниясига доир берилган вазифаларни ечишга киришдилар. Ана шу ечимлар тақдироти ҳам қизғин ва қизиқарли мусоҳаба асосида ўтди.

— Кузатувчилар ва ваколатли вакиллари фаолияти сайловларнинг ҳолис ва шаффоф ўтишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраёев. — Аввалги сайловларда бу имкониятдан етарли даражада самарали фойдаланилмагани ўтказилган таҳлилларда аниқланди. Мана шундай семинар-тренингларда олинган сабақлар эса бизга катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

Семинар-тренинг якунларига кўра келгуси сайлов кампаниясида қўл келадиган тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгашининг пленумида "Партия ташкилотлари томонидан ҳисобот-сайлов кампанияси ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар ўтказилишини ташкиллаштиришда Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши ҳамда шаҳар ва туман кенгашлари олдида турган вазифалар", "Соғлом бола йили" Давлат дастури амалга оширилишида фаол иштирок этиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси тўғрисида" ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши депутатлик гуруҳининг 2014 йил биринчи ярим йиллик фаолияти тўғрисида"ги масалалар қўриб чиқилди.



Мазкур масалалар юзасидан вилоят партия кенгаши раиси А.Шодмонов, раис ўринбосари М.Мусаева ва халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раиси ўринбосари А.Назаровлар маъруза қилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиятида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоят кенгаши сессияларига 2 та масала киритилгани, фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида тегишли идораларга 90 дан зиёд депутатлик сўровлари жўнатилгани, Олтинқўл, Асака ва Андижон туманларидаги партиямиздан сайланган депутатлар долзарб масалаларни кўтариб чиққанлиги қувонарли.

Кези келганда айрим маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятида ҳамон ташаббус етишмаётганини айтиб ўтмоқ лозим. Хонобод шаҳар, Улғунор ва Бўз туман кенгашларидаги депутатларимиз фаоллиги бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Пленум якунида кун тартибидagi масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Сайловлар йилида партиявий фаолиятни ошириш ва сайловларга тайёргарлик ишлари келишиб олинди.

Акбаржон НАЗАРОВ

Партиядошимиз

"Ҳамшира — 2014" кўрик-танловининг мутлақ ғолибаси

Ифтихор

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши сафларида шижоатли, интеллектуал салоҳиятли, ўз мутахассислиги бўйича чўқур билимга эга ва тафаккури кенг ёшларимиз талайгина. Бунга яқинда бўлиб ўтган "Ҳамшира — 2014" республика кўрик-танловида мутлақ ғолибликни қўлга киритган вилоят тери-таносил касалликлари диспансери муолажа ҳамшираси Соҳиба Райимжоновна мисолида фахр билан айтишимиз мумкин.



Республикаимизнинг барча вилоятларидан таширф буюрган 14 нафар ҳамшира қизлар орасидан биринчи ўринни эгаллаган партиядошимиз "Нексия" ав-

томобили билан бирга тиббиёт соҳаси бўйича олий ўқув юртида грант асосида билим олиш йўлнамасини қўлга киритди. — Онам шифокор бўлганликлари учун ҳам ёшлигимдан

айнан шу касбга ҳавас қилиб улғайдим, оқ халатнинг маъносини, уни шунчаки эгнига илтиш билангина тиббиёт ходими бўлиб қолмаслик, балки инсон ҳаёти билан боғлиқ экан-

ни учун ҳам айнан шу касб соҳибларининг зиммасидаги масъулиятни, бир сўз билан айтганда, бутун машаққату роҳатини ҳис қилган ҳолда бу касбни танлаганман, — дейди С.Райимжоновна. — Эндигина 7 ёшни қаршилаган қизалгим Жасмина ҳам худди мендек орзу қилаётганини, сахнада мен билан ёнма-ён туриб "мен ҳам онамдек шифокор бўламан" деб айтганида алланечук орзиқиб кетдим.

Бугунги беллашувда ғолиб бўлишимда "Адолат" партияси сафларида сиёсий ва ҳуқуқий билимларимни оширганим қўл келди, деб ўйлайман. Партиянинг аҳоли кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдаги иштирокини кучайтиришга қаратилган дастурий мақсадлари мени шу партия сафларида бўлишга ундаган.

Шухратжон ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
матбуот котиби

Ташаббускорлик

Пленум

Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгашининг XII пленумида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, барча ҳудудий партия кенгашларида навбатдаги пленумлар бўлиб ўтмоқда. Ушбу пленумларни ўтказишдан асосий мақсад давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтадиган бир паллада партиянинг барча даражадаги ташкилотлари олдига турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш, ушбу масалалар юзасидан электорат ва кенг жамоатчилик учун аҳамиятли бўлган қарорлар қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашдан иборат.

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг пленумида партия Сийёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорда белгиланган вазифалар, истиқлол байрамини муносиб нишонлаш, бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Президентимизнинг қарори ижросини таъминлаш барча бўғиндаги партия ташкилотларидан ўз вазифаларига катта масъулият, уюшқоқлик билан ёндашишни талаб қилиши, энг асосийси аҳолининг кенг қатламга, айниқса, ёшларимизга мустақиллик берган ҳуқуқ ва имкониятларнинг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш ҳар бир партия фаолининг бурчи эканлигига иштирокчилар эътиборини қаратди.

электорат манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш имконидир

"Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампаниясини ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш борасида партия кенгашлари олдига турган вазифалар тўғрисида"ги масала юзасидан Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси биринчи ўринбосари Р.Отарбаевнинг маърузаси тингланди. Унда партия олдига турган муҳим вазифалар, хусусан, партия тизимида ҳисобот-сайлов кампаниясини ташкил этиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг барча даражаларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан халқ депутатлари Мўйноқ туман Кенгаши депутати Н.Мирзамуратов олдинги сайловларда тўпланган тажрибалар, БПТларда ҳисобот-йиғилишлари ва сайлов жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг жорий йил ўтган давридаги фаолияти яқунлари ҳамда кун тартибидagi бошқа масалалар танқидий ёндашув билан кўриб чиқилди.

2014 йилга мўлжалланган партия Ҳаракат дастури ижроси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳ-

лари ташаббуси билан доимий комиссия ҳамда сессияларда кўрилган масалалар ва уларнинг натижалари таҳлил қилинди. Йил бошидан бери халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари йиғилишларида Ҳаракат дастурида белгиланган, шунингдек, электорат манфаатларига қаратилган 20 га яқин масала муҳокама этилган.

Маълумки, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, жойлардаги ижтимоий масалаларга тез ва самарали ечим топишда депутатлик сўрови институти муҳим ўрин тутди. Қорақалпоғистон Республикасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП гуруҳлари ўз фаолиятида бунга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди идора-ташкилотларга 40 га яқин депутатлик сўрови юборишган. Аксарият сўровларга жавоблар олинган, тегишли ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати яхшиланганига эришилган.

Йиғилишда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариш, масалаларни сидқидилдан ўрганиб, доимий комиссия, сессияларга кўтариш, пухта ўйланган таклифлар ишлаб чиқиш бўйича фаол ва ташаб-

бускор партия гуруҳлари фаолияти мисолида тавсиялар берилди.

Пленум иштирокчилари тарғибот-ташвиқот ишларини янги технологиялар асосида олиб бориш зарурлигига эътибор қаратишди. «Партиянинг янги тахрирдаги Устави ва Дастурига тавсиялар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар масала ҳамда пленум иштирокчилари томонидан қизгин муҳокама этилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Нукус туман кенгаши раиси А.Дарибаев партиянинг янги тахрирдаги Устави ва дастурига тавсиялар тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар жараёнида БПТ аъзолари иштирокининг фаоллигини таъминлаш масаласига алоҳида урғу берди.

— Аҳоли билан партия ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда кўйи бўғинлар алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ушбу аҳамиятли ҳужжатларга таклифлар тайёрлашда БПТ аъзоларининг фикрларини кўпроқ эътиборга олишимиз зарур, — дея таъкидлади А.Дарибаев.

Йиғилишда партия фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши матбуот котиби

Адлия минбари

Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатлари ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқирилиши, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқаролар мурожаати эътибордан четда қолмайди

Мурожаатларни ўрганиш натижасига кўра, аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида қонун бузилишлар олдини олиш юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида 3 та тақдимнома, прокуратура идораларига мансабдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан 7 та таклиф, судларга 136 202 271 сўмлик 2 та даъво аризалари киритилди.

Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мансабдор шахслар томонидан бузилиши аниқланиб, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдига қўйиш юзасидан тегишли суд ва бошқа ваколатли идораларга жами 19 та, прокуратура органларига мансабдор шахсларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан 7 та, маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарорни бекор қилиш бўйича протест билдириш юзасидан 1 та таклиф киритилди. Уларга кўра, 9 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 3 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бошқарма иш режаси ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига асосан қонун бузилишларни бартараф қилиш юзасидан киритилган тақдимномалар ҳамда қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга оид киритилган кўрсатма ва огоҳномалар бўйича бўлим томонидан ҳисобот даврида бошқарманинг иш режаси ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари асосида 37 та ўрганишлар ўтказилди.

Марҳамат туман ҳокимлигида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси ўрганилганида, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар

қўмитаси раиси З.Дадажонованин 21-моддасини қўпол равишда бузгани, яъни туманда яшовчи фуқаро Ж.Қурбонованин аризаласига ўрганиш кунига қадар ёзма жавоб берилмагани аниқланди.

Шунингдек, Марҳамат туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи, туман бош архитектори А.Бадалов томонидан фуқаролар О.Сайдахмедов ва А.Содиқовнинг мурожаатларини ўрганишда худди шундай қонун бузилишга йўл қўйилгани маълум бўлди.

Марҳамат туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Дадажонованин туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи, туман бош архитектори А.Бадалов томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси талаблари қўпол равишда бузилгани сабабли уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённомалар тузилиб, Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судига кўриб чиқиш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман суди томонидан мансабдорлар МЖТКнинг 43-моддаси билан айбли деб топилди, уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан уларнинг манфаатини кўзлаб судларга жами 377 249 837 сўмлик 192 та даъво аризалар киритилди. Даъво аризаларининг аксарияти қаноатлантирилди. 258 164 066 сўмлик иш ҳақларини ундириш бўйича суд қарорлари қабул қилинди.

Нодир ТУРАХАНОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Божхона бекати

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан нақд хорижий валюталарнинг ҳаво йўллари орқали ноқонуний олиб ўтилишига оид бир нечта божхона қоидабузарликлари фош этилди.

Таваккалчининг иши бешми?

Жумладан, Москвага отланган россиялик О.А.га тегишли қўл сумкасини кўздан кечириш вақтида божхоначилар салфетка ўрамини топиб олишди. Мазкур ўрам ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, ушбу аёл унга ўралган 2030 АҚШ доллари ва 10 минг Россия рублини яширинча олиб чиқишга урингани фош бўлди.

"Тошкент — Санкт-Петербург" рейси йўловчиларидан бири, наманганлик К.К.га эса божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уриниб, 3070 АҚШ доллари бекитиб олиб ўтиш режаси наф бермади.

Пойтахтлик У.З.нинг "Тошкент-Пекин" парвози олдидан безовталаниш божхоначиларнинг диққатини тортиди. Шундан сўнг унга тегишли қўл сумкаси янада синчковлик билан кўздан кечирилганда, шубҳалар ўз тасдиғини топди. Қаранг-ки, бу аёл божхона назоратидан яширинча 8300 АҚШ долларини сумкасига солганча, бамайхотир олиб чиқиб кета олмаган, деб ҳисоблаган экан. Аммо, чучварани хом санганини энди тушуниб етган бўлса, ажаб эмас.

Божхона баённомасида ва божхоначиларнинг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, йирик миқдордаги нақд хорижий валюталарни олиб ўтишга уринганлардан яна бири — тошкентлик М.К.дир. Миланга парвози олдидан қўл сумкасини иштирокида шахсий қўриқдан ўтказилган бу аёлнинг ички кийимлари орасидан 520 евро ва 10 минг АҚШ доллари топилди.

Кўшни давлат фуқароси Ж.А.нинг эса Алматыга парвози бироз кечиди. Бунга эса қўл сумкасидаги 15 минг АҚШ долларини божхона баённома-

сида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилишни "унутиб" қўйгани сабаб бўлди.

Нақд хорижий валюталарни яширинча олиб ўтишга таваккал қилган қўшни давлат фуқароси А.Б.га "Таваккалчининг иши беш" нақли иш бермади. Натيجида, у Истамбулга учинчи олдидан белига боғлаб олган оз эмас, кўп эмас, нақд 25 минг АҚШ доллари билан хайрлашишга мажбур бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилмас, жорий йилнинг I ярми давомида республикамизда божхоначилари нозорат қилиш бош бошқармаси Фарғона вилояти бўлимининг Кўқон худудий гуруҳи томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида бозорлар ва савдо комплекслари худудида ноқонуний равишда ДВД, ВСД лазер дисклари сотилишининг олдини олиш борасида бир нечта рейд-тектирувлари ўтказилиб, унинг натижасида 10,2 миллион сўмлик махсулотлар далилий ашё тариқасида олинди, 17 нафар жисмоний шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликлари учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Жумаладан, Данғара тумани, Мангит қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳасанбой Жўраев "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-2-сонли қарори талабларини бузиб, лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмастан "Кўқон савдо комплекси" МЧЖ худудида белгиланмаган савдо растасида ДВД ва ВСД форматдаги видеоёзувчи лазер дискларининг ноқонуний савдоси билан

Ноқонуний фаолият

фош этилди

Солиқ почтасидан

Бугунги кунда ёшларимизни нафақат жисмонан, балки маънан соғлом этиб тарбиялаш, маънавиятимизга зид турли ғоялар, таҳдидлардан асрашга муҳим масала сифатида қаралмоқда. Бу борда жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини нозорат қилиш бош бошқармаси Фарғона вилояти бўлимининг Кўқон худудий гуруҳи томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида бозорлар ва савдо комплекслари худудида ноқонуний равишда ДВД, ВСД лазер дисклари сотилишининг олдини олиш борасида бир нечта рейд-тектирувлари ўтказилиб, унинг натижасида 10,2 миллион сўмлик махсулотлар далилий ашё тариқасида олинди, 17 нафар жисмоний шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликлари учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

шугулланаётганлиги аниқланди. Ундан ҳолислар иштирокида жами 520 дона умумий қиймати 1510000 сўмлик лазер дисклар далилий ашё тариқасида олиб кўйилди.

Кўқон шаҳар "Буюк ипак йўли савдо комплекси" МЧЖ худудида текшириш ўтказилганда фуқаро Нозим Абдуллаев ҳам оқориди қонун, қарор талабларини бузиб, лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмастан, белгиланмаган савдо растасида турли форматдаги видеоёзувчи лазер дискларнинг ноқонуний савдоси билан шугулланаётганлиги маълум бўлди. Текширувда жами 270 дона, умумий қиймати 565000 сўмлик ДВД, ВСД дисклар мавжудлиги

аниқланди.

Ачинарлиси, ушбу икки нафар фуқаро муқаддам ҳам лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатномасиз, видеоёзувчи лазер дисклар савдоси билан шугулланганлиги учун Жиноят ишлари бўйича Кўқон шаҳар судининг "Маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан жарима қўлланилган эди.

Афсуски, Ҳасанбой Жўраев, Нозим Абдуллаевлар қилмишларидан тўғри хуло-



са чиқара олишмаган. Уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан айбдор деб топилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шундай экан, энг тўғри ва мақбул йўл қонуний фаолият юритишдир.

Аҳадхон ТОШТЕМИРОВ,
ДСИ бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини нозорат қилиш бош бошқармаси Фарғона вилояти бўлими нозорат шўъбаси бош инспектори

Сўранг, жавоб берамиз!

Битим нима ва унинг қандай турлари мавжуд?

А.Раҳмонов, Жиззах тумани.

Битим деб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 101-102-моддаларига асосан фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларига айтилади. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак.

Битимлар қандай тартибда нотариал тасдиқланади?

М.Абдуллаев, Жиззах шаҳар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 110-моддасига асосан битимни нотариал тасдиқлаш Фуқаролик кодексининг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. Қўйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт: қонунда кўрсатилган ҳолларда; тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Битим қандай ҳолларда ҳақиқий эмас деб ҳисобланади?

С.Тошмуродов, Зомин тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 127-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайдан бошлаб ҳақиқий эмас ҳисобланади.


Соволга Жиззах тумани 1-сон ДНИ нотариуси **И.НУРИДДИНОВ** жавоб берди.

Эълон
Чилонзор тумани ТСРҲИ томонидан 2014 йил 11 февралда 009570-08-реестр рақами билан рўйхатга олинган "GOLD MISS" МЧЖ таъсисчиларнинг 2014 йил мартдаги қарорига асосан ихтиёрни тугатилади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Чилонзор кўчаси 2-уй манзилда ёки +998901672586 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"Тошкент-Аэро" ИБК
Ахборот хизмати

Мустақиллик бу — ЭНГ аввало ҳуқуқ

Давоми. Боши 1-бетда



Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодийимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Тан олиш керак, ўтган йиғирма уч йил давомида мамлакатимизнинг миллий демократик давлат қуриш, иқтисодий этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини жаҳон тан олди. Бундай юксак марраларга албатта, мустақиллик туфайли эришдик. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, беихтиёр биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, деган ҳақли савол туғилади.

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб кетгани, қолоқ, факатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва ижтимоий аҳоли қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келганини катта авлод вакиллари жуда яхши билишадди.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқиб қурб етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айланган барчамизга гурур-ифтихор бағишламда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида кўлга киритилган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратиш ўринлидир. Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётгани, яшаш учун зарур инфратузил-

ланинг кенгайиб бораётганида намоён бўлаётди. Бугун юртимиздаги оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига, ҳар уч оиладан бири шахсий автомобилга эга. Аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган. Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг яли ички маҳсулоти 3,5 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 каргун ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад 8,4 баробар кўпайгани ва охириги етти йил давомида иқтисодийимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси глобал даражада танглик давом этаётган бир шароитда ноёб ҳодисадир.

Истиқлол йилларида ёқилги-энергетика, ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини

босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг энг муҳим омил. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг изчил амалга оширилиши самарасида мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Бундай юксак натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилиши, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари жорий этилгани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, энг муҳими, меҳнатга муносабатининг ўзгаргани самарасида Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди. Сўнгги икки-уч мавсумдан бери

деҳқонларимиз 7 миллион тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этишаётди. Бу рақамни 90-йиллардаги ҳолат билан қиёслаганда ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани аён бўлади. Мустақилликча дон ва ун таъминоти бўйича бошқаларга қарам бўлиб келган халқимиз аини пайтда ўз ахтиёжини таъминлаш билан бирга хорижий давлатларга дон экспорт қилмоқда.

Янги боғлар, тоқзорлар барпо этилаётгани, қорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, балиқчилик каби тармоқлар ривожланаётгани натижасида бозорларимиз тўкин, дастурхонимиз файзли, баракали. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётди.

“Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларидан хайратга тушдилар.

Шу нуқтаи назардан халқаро жамоатчилик биз танла-

ган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда “Ўзбек модели” деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини эътироф этмоқда. Энг муҳими, бу ўзгаришлар ва ютуқлар баробарида халқимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабати тубдан ўзгарди. Энди халқимиз кечаги одамлар эмас.

Олдимизда турган асосий вазифа энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашдан иборат. Шубҳасиз, тинчликни кўз қорачиқдай асраш, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, уни одамларга, айниқса, ёшларга тушунтириш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши керак. Шундагина биз мустақилликни мустаҳкамлашга, келажак авлодга озод ва обод Ватан қолдириш ишига ҳисса қўшган бўламиз. Ўзбекистон “Адолат” СДП вакиллари мустақилликка эришиш арафасида, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда қандай мурракаб вазият мавжуд бўлганини, мустақиллик йилларида миллий манфаатларимизга мос ички ва ташқи сиёсат юритилганини, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўринни эгалланганимизни электоратимиз ва тарафдорларимиз ўртасида мунтазам равишда тарғиб қилиб боришимиз лозим. Бу эса ёшларимизнинг халқимиз орадан ўтган шу қисқа давр ичида сабр ва бардош, вазминлик ва омилкорлик билан мисли кўрилмаган тараққиёт йўлини босиб ўтганига, бу йилларнинг ҳар кунини, ҳеч муболагасиз, тенгсиз қурашлар билан ўтганига, гоё мураккаб вазиятларда энг тўғри қарорлар қабул қилингани ва мақбул ечимлар топилишига ишонч ҳосил қилишига олиб келади. Аини чоғда бугунги тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафидан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳар бир киши ёши, касб-ҳоридан қатъи назар, бундан бунён ҳам фидокорона меҳнат қилиши зарурлигини чуқур ҳис этадилар.

М.НИШОНОВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ

Кўҳна тарих зулматида кўкка нур сочган,
Шарқни Ғарбга боғлаб, Буюк ипак йўл очган,
Эзгуликка жон фидою ёмондан қочган,
Савоб излаб умр бўйи елгану шоган,
Ифтихорим, ихтиёрим, оримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!

Жайхун бўлиб, Сайхун бўлиб, пишқириб оққан,
Не-не душман юрагида лаҳча чўб ёққан,
Қон тўлса ҳам дарёсига, умидвор боққан,
Чечак асраб, гул ундириб чаккага тоққан,
Осмон ўпар тоғларда оқ қоримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!

Яратгани ёрлақай, яратгувчимиз,
Олам аҳли назарини қаратгувчимиз,
Биз азалдан маънавият таратгувчимиз,
Душман чиқса йўлимиздан, қийратгувчимиз,
Бунёдимсан, зурёдимсан, қоримсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!

Ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, эмасмиз ҳеч кам,
Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам, чекмаймиз ҳеч ғам,
Имконият қўлимизда, эл тақдирини ҳам,
Бир мушт каби бирлашганмиз, бўлиб жамулам,
Буюк қарвон йўлида зўр норимсан, Ватан,
Қадр-қиммат, таянчимсан, боримсан, Ватан!

Султон МУРОД

Музейга бепул кириш кунлари белгиланди

Янгилик
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга қараганда, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига халқимизнинг бой миллий мероси ва тарихий ўтмишини ҳурмат қилиш ва эъзозлашни сингдириш ҳамда аҳоли дам олишини мазмуни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлда “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистондаги идоравий бўйсунушидан қатъи назар барча давлат музейларига болалар ва уларнинг ота-оналарига ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари бепул кириш кунлари этиб белгиланди.

Шу билан бирга, қарорда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг аҳоли, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг дам олишини мазмуни ташкил этиш мақсадида ҳар йили 2-8 сентябрь кунлари “Музейлар ҳафталиги”ни ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда аҳолининг шу кунлари давлат музейларига бепул кириш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Қарорга қўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунара таълими маркази билан ҳамкорликда музейлар ҳафталигини ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирларни юқори савияда ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва улар амалга оширилишини таъминлайди.

Шунингдек, мазкур қарорга биноан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўриш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Сарвар БОЙТЎРАЕВ

Соғлом бола улғаяр

Бунёдкорлик
Самарқанд шаҳри гўзал, бетакрор меъморий ечимга эга тураржой, маданий, таъмурий бинолар, равон йўллар, ораста, сўлим хиёбонлар ҳисобига янада кўркамлашиб бормоқда.

Хусусан, шаҳарнинг Амир Темур кўчаси адоғидаги Сартепа масканига туташ жойида ёш оилалар учун барпо этилаётган 328 хонадонли уй-жойлар кўлаб қулайликларни ўзида мўжассам этаётгани билан эътиборни тортмоқда.

— “Соғлом бола йили”га бағишланган Давлат дастури ижросини таъминлаш биз, қурувчилар зиммасига алоҳида маъсулият юкламоқда, — дейди тураржойлар қурилишидаги бош пудратчи ташкилот, “Чинор” хусусий корхонаси директори Бегмаат Исмоилов. — Ҳозир ёш оилалар фарзандлари билан фаровон яшашлари учун 18 хонадонли тураржой биносини қуриб битказдик.

Дарвоқе, жамоанинг моҳир қурувчилари ҳар сафар эгала-



янги уйларда

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири
Суратда: ёш оилаларга мўжжалланган янги уй-жойлар; “Чинор” қурилиш корхонаси раҳбари Б.Исмоилов, бош муҳандис А.Салимов. Муаллиф олган суратлар.

рига фойдаланиш учун топшириладиган уй-жойларнинг бениҳсон бўлиши учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Корхона моддий-техник базаси мустаҳкамлиги, қурилиш ашёларининг асосий қисми шу ерда ишлаб чиқарилаётганлиги эса бинокорликда таннархни арзонлаштиришга ёрдам бермоқда.

Миллий сайтлар танлови эълон қилинди

2001 йилдан буён республика миқёсида ўтказиб келинаётган “Миллий UZ домени 2014” Интернет-фестивали 15 июлдан ўз ишнини бошлади. Янги айнан жорий йилнинг 15 июлдан то 1 сентябргача бўлган муддатда www.if.uz сайтдан рўйхатдан ўтган ҳар бир жисмоний ва юридик шахслар ўз сайтлари билан танловда иштирок этишга ариза тақдим этишлари мумкинлиги эълон қилинди.

Фестиваль натижалари InfoCOM 2014 — Ахборот технологиялари ҳафталигининг биринчи кунини, 22 сентябрда маълум қилинади. Бу йилги фестивал доирасида ўтказилаётган танлов дастури 10 мавзудан ва 2 та махсус номинацияни ўз ичига олади.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, фестивални ўтказишдан асосий мақсад — Ўзбекистон аҳолиси ўртасида интернет тармоғини оммавийлаштириш, интернет тармоғида миллий контентни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш, интернет тармоғида ўзбек тили қўлланилиши доирасини кенгайтиришдан иборат.

Фестивалга оид барча саволлар билан www.if.uz сайтига ёки editor@infocom.uz электрон почтасига мурожаат этиш мумкин.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамазор ХУҲАМБЕРАЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпулат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Баш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фойдаланиш бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатар ва хавфлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибхона — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қадриямон Қўлошев Навбатчи — Фуломжон Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят ружсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уя.
info@adolatgz.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Миллий ва ахборот оқиллиги ташкилидан 0018-рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2013-5217
720135210045

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700. Ладади — 6036. Босишга топшириш вақти — 21.35. Босишга топширилди — 22.15.
1 2 3 4 5